*Muhokama uchun mavzu*

# Ўрганган кўнгил...

## ёхуд бойнинг боласи бой, подачининг фарзанди подачи бўладими?

### Муқаддима

**Яқинда ғалати бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Тўйхонада гапдан гап чиқиб, икки оқсоқол бир мавзуда баҳслашиб қолишди. Тўғриси, тўйхонада улардан ёши улуғи бўлмагани учун ҳеч ким баҳсга аралаша олмади. Лекин масала анчайин қизиқарли бўлгани учун ушбу мавзуда бирор нарса ёзишни режалаштириб қўйдим. Балки ушбу мавзу газетхонларимизни ҳам қизиқтириб қолар. Келинг, аввало оқсоқолларнинг мунозарасига қулоқ тутиб кўрайлик:**

### Баҳс

–"Бой бойга боқади, сув сойга оқади", деган мақол бежиз айтилмаган, – деб сўз бошлади суҳбатдошларнинг бири олдидаги чойдан бир хўплаб. – Азал-азалдан ҳам бойнинг боласи бой, подачининг боласи подачи бўлган. Сиз бўлса қаердаги (бу ўринда бировнинг кўнглига тегмаслик учун исм-шарифларни ёзишни лозим топмадик) фермерни мақтаб ўтирибсиз. Унинг отаси раҳбар бўлмаган. Аввал сувчи эди. Кейин трактор ҳайдади. Унинг ўғлига фермер хўжалиги тузиб, раҳбар бўлишни ким қўйибди?..

— Раис, сиз ҳамон замонни ўзингизнинг эски қаричингиз билан ўлчаяпсиз, – деди иккинчи оқсоқол.

Маълум бўлишича, чоллардан бири шўро даврида узоқ йиллар колхоз раиси бўлиб ишлаган экан.

— Тўғри, бир пайтлар бойнинг боласи бой, раҳбарнинг боласи раҳбар бўларди. Чунки у пайтларда олий ўқув юртларига билими бор ёшлар эмас, аксинча, отасининг пули кўплар кирарди. Табиийки, фарзандини пул билан ўқишга киритган "бойвачча" ота уни "ёғлироқ" жойга ишга жойлаштириб қўяр, кейин таниш-билиш орқали "шонли партия" сафига ўтказар, хуллас, "кўтарилиш" учун хизмат қиладиган пиллапояларнинг ҳар бирига "хизмат" қиларди. Натижада аслида билими ва иқтидори икки пулга қиммат бўлган думбул ўғилтой дуппадуруст "раҳбар"га айланарди. Назаримда кўп нарсанинг емирилишига ҳам айнан ана шундай иллатлар сабаб бўлди...

— Сиз нимани ҳам билардингиз, – суҳбатдошининг сўзини бўлди собиқ раис.– Ёшлигингизда оддий ҳайдовчи бўлган бўлсангиз. Авлодингиздан бирор-бир раҳбар чиқмаган бўлса, нимани ҳам тушунар эдингиз. Лекин бир масалада тўғри фикрладингиз, ўша замонда ҳам, ҳозир ҳам "белингиз бақувват", чўнтагингиз ақчага тўла бўлмаса, ҳеч ким эмассиз ва ҳеч ким бўла олмайсиз.

— Раис, сиз барибир айтганингиздан қолмайдиган одамсиз. Чунки ёшлигингиздан атрофдагиларга ҳукмингизни ўтказиб ўрганиб қолгансиз. "Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас" деганларидек, ўзингизникини маъқуллайверасиз. Келинг, сиз билан гап талашиб ўтирмасдан, бир-икки мисол келтирай. Абди чўпонни биласиз-а? Ўзингизнинг қўлингизда йигирма йилдан ошиқ қўй боққан. Лекин эшигида битта ортиқча моли йўқ. Ўн бир нафар фарзанди бор. Бир умр ишлаб топгани оёғига етса эгнига, эгнига етса, оёғига етмаган. Ана шу чўпоннинг ўғли ҳозир Тошкенти азимда ишлайди. Катта идоранинг катта терговчиси экан. Унвони ҳам алламбало. Ахир, чўпоннинг ўғлини ўқишга киритишга, сиз айтганча бўлса, Тошкентдай жойга ишга қўйишга пули йўқ-ку!

Ё бўлмаса, ўзингизнинг ён қўшнингиз Раҳмат муаллимни эсланг. У йилнинг тўққиз ойида мактабда дарс берса, уч ой пахсакашлик қиларди. Қора меҳнатнинг орқасидан етти фарзандини вояга етказди. Муаллимнинг ҳам учинчи ўғли Тошкентда эди. У бир неча йил аввал номзодлик диссертациясини ёқлаганди. Яқинда доктор бўлибди. Ҳамқишлоқлар билан бориб табриклаб келдик. Бир чиройли уй-жойлар, ажабтовур машиналари бор экан. Отасини қўйгани жой топмайди. "Ҳай-ҳай" дейишимизга қарамасдан, қишлоққа ўз машинасида олиб келиб қўйди. Биз уни ҳурматимизни қилиб қишлоққа олиб келиб қўйганига эмас, мана шу чекка қишлоғимиздан чиқиб, олим бўлганига, докторлик диссертациясини ёқлаганига, қолаверса, пахсакаш отасининг пойига патак бўлиб хизмат қилганига хурсанд бўлдик.

Яна бир мисол. Қўшни қишлоқдаги Худойбердини ҳам яхши танийсиз. Узоқ йиллари пахтани дефоляция қилиш пайтида дорининг остида қолиб, яримжон бўлиб қолган эди. Ана шунинг кенжаси ҳозир хорижда ўқияпти. Катта қизи таржимон бўлиб ишлаяпти. Ахир, шу пайтгача Худойбердининг ҳассасидан бошқа бойлиги йўқ эди-ку?! Айтинг-чи, унинг фарзандлари нимaнинг эвазига ўқишга кирди? Кенжаси ниманинг ҳисобига хорижда билим олаяпти?..

Сиз бу саволларнинг бирортасига жавоб бера олмайсиз. Чунки истиқлол оддий меҳнаткашга берган имкониятларни тан олгингиз келмайди. Ютуқларни кўриб-кўрмаганга оласиз. Ўзингизча деҳқоннинг, оддий меҳнаткашнинг боласини писанд қилгингиз келмайди. Аслида бир пайтлар сизни раис деб ҳурматлаган, чўнтагингизни пулга, кўкрагингизни орден-медалларга тўлдирганлар мана шу деҳқон-у оддий меҳнаткашлар эди. Энди деҳқоннинг боласи фермер бўлиб, гижинглаган тойдай машина минса, ғашингиз келади. Чўпоннинг боласи ҳуқуқшунослик институтига ўқишга кирса, тан олгингиз келмайди. Яримжон Худойбердининг кенжаси хорижда ўқиса, сизга малол келади. Чунки сиз ҳалиям қамчинингиздан қон томган, одамлар икки букилиб салом берган, тўй маъраканинг тўрида ўтирган "раис бобо"лик чоғларингизни қўмсайсиз. Лекин бир нарсани тан олгингиз келмайди. Билиб қўйинг, сиз айтган "бой бойга боқади, сув сойга оқади", "катта"нинг боласи "катта", "подачининг боласи подачи", бўлган вақтлар ўтиб кетди. Бу мақоллар бундан ўн олти йил муқаддам ўз қадрини йўқотиб бўлган. Шундай экан, сиз ҳам энди чўпоннинг боласи прокурор, тракторчининг боласи фан доктори бўлишига кўникинг. Ўзингизни улардан юқори олиб, осмондан туриб муомала қилишни бас қилинг. Акс ҳолда элдан ажралиб қоласиз...

### Хулоса ўрнида

***Тўғриси, баҳс жиддийлашиб, оқсоқоллар қизишиб кетгач, биз ёшлар секин ўрнимиздан турдик. Шунинг учун ҳам баҳс нима билан якун топганидан бехабар қолдик. Лекин бир нарса аниққи, бир умр ҳайдовчи бўлган отахон кўпчиликнинг кўнглидагини топиб гапирди. Шундан сўнг ўзимизча ён-атрофимизга бир қур назар ташладик. Турли соҳаларда ишлаётган тенгдошларимизнинг таржимаи ҳоллари билан қизиқиб кўрдик. Буни қарангки, ҳайдовчи бобо юз карра ҳақ экан. Ёши қирқнинг нари-берисида бўлган ҳуқуқшунослар, фан номзодлари ва докторлари, ихтирочи муҳандис-у қўли гул шифокорлар, таниқли шоир-ёзувчи-ю, депутат ва сенаторларнинг кўпчилиги оддий меҳнаткаш оилаларда ўсиб-улғайишган, ўз билими, иқтидори ва салоҳияти билан кўтарилишган. Уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларида фарзандларини катта ўқишларга "жойлаб" қўйиш ёки бирор-бир мансабни "сотиб олиш" имконияти йўқ. Улар ҳамма-ҳаммасига ўз билим ва кучлари билан эришишган.***

***Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, биз юқоридаги мисоллар билан ўзига тўқ оилалар ёки раҳбарларнинг фарзандлари фақат пул билан ўқишга киради, пул билан "кўтарилади", деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Уларнинг орасида ҳам интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, ўз билим ва иқтидори билан юқори лавозимларни эгаллаётганлари бор. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, орамизда онда-сонда бўлса-да, бизнинг "раис бобо"ларга ўхшаганлар ҳам учраб турадики, ушбу мақоламиз ёзилишига ҳам айнан уларнинг фикрлаш тарзи сабаб бўлди.***

***Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш кераккки, бугун она юртимизда ўқийман, одам бўламан, олим бўламан деган ёшлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Ёшлардан талаб қилинадигани эса ўқиш, изланиш, тинимсиз меҳнат қилиш. Қолганини эса вақт кўрсатаверади...***

**Ислом ҲАМРО,**
**журналист**

**Истиқлол йилларида мозийда яшаб ўтган боболаримизнинг тўйлари, буюк асарлар ҳамда қадимий қўлёзмалар яратилишига оид саналарни нишонлаш биз учун қутлуғ анъанага айланиб қолди. Ўтган асрнинг мураккаб муҳитида яшаб, ижод қилган устоз-адибларнинг номларини ёдга олиш, уларни қадрлаш бизнинг бурчимиздир. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида халқимиз Ғафур Ғулом, Ойбек сингари адибларимизнинг 100 йиллик тўйларини катта байрам сифатида нишонлади. Албатта, бу эзгу ишларнинг барчасини Ўзбекистон ҳукумати қўллаб-қувватлаб турибди. 2007 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг <u>«Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»</u>ги Қарорга имзо чекиши ҳам фикримизнинг далилидир.**

**Маълумки, Абдулла Қаҳҳор адабиётимиз тарихида бетакрор сиймолардан биридир. Истеъдодли адиб адабиётга кириб келган дамларданоқ сўз сеҳргари сифатида эътироф этилган. Бугун у нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётида ҳам энг машҳур ва забардаст ёзувчилар қаторида туради.**

**Қуйида «Биз сув ичган дарёлар» рукни остида Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» асаридан айрим бобларни ҳавола этамиз.**

**Diqqat yangi rukn:**
*Biz suv ichgan daryolar*

*Саид АҲМАД,*
*Ўзбекистон Қаҳрамони*

# Ижод ва жасорат дарси



Ўттизинчи йилларга келиб адабиётимиз ғариблашиб, китоб жавонларимиз ҳувиллаб қолди.

Адабиётимиздан файз кетди, шира қочди.

«Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» романлари тақиқланди. Уларнинг муаллифларига «халқ душмани» тамғаси босилди. Қанча китобхонлар шу тақиқланган асарларни ўқиганлари учун озодликдан маҳрум қилиндилар.

Камина ҳам шу ёзуқдан бенасиб қолмади. Уйим тинтилганда «Обид кетмон» романидан парча босилган тўплам топилгани учун «Тақиқланган адабиётни сақлаган» деган модда билан айблаган эдилар.

Ўша йилларда нашр қилинган китобларни, газета ва журналларни варақласангиз қуруқ мадҳиябозликка тўлиб тошган асарларни кўрасиз. Уларда очни тўқ, яланғочни усти бут, деб тасвирланди.

Ўз халқига, маданиятига лой чаплаш мусобақаси бўлаётганга ўхшарди. Бу мусобақанинг ўз ғолиблари, ўз «чемпион»лари бор эди. Адабий асарнинг қиммати Сталиннинг номи неча марта такрорланганига, улуғ оғамизнинг вакиллари қандоқ ёркин бўёқларда тасвирланганига қараб баҳоланарди.

Ўша асарлар чин кўнгилдан эмас, илҳомсиз, завқсиз, сабаби тирикчилик деб ёзилгани шундоққина билиниб турарди.

*Ким эдик тарихда биз,*
*Номи йўқ қашшоқ гадо,* —
деган шеърлар ўша даврнинг гимни, таронаси эди.

Ҳатто Ойбекдай инсофли, покиза бир ижодкорни ҳам тазйиқ остида «Қутлуғ қон» романининг охирига «улуғ оғамиз» образини киритишга мажбур қилган эдилар.

Қўлига эндигина қалам олган ёш ҳикоянавислар йўл бошида ҳайрон турар эдилар. Қайси йўлдан бориш керак, кимга эргашиш керак, билмасдилар.

Қодирий кетди, Фитрат кетди, Чўлпон кетди, оловдек ёниб турган Усмон Носирнинг алангаси ўчирилди. Ойбек Ёзувчилар союзи аъзолигидан қувилди.

Ўша йилларнинг байроқдор ёзувчилари, тўлиб-тошиб ижод қилаётган Ҳусайн Шамс, Ойдин, Шокир Сулаймон, Сотти Ҳусайнларнинг ёзганлари ёш ижодкорларга дарслик бўлолмасди. Уларнинг ёзганлари социалистик тузумни улуғловчи, бадииятдан маҳрум, ночор асарлар эди.

Бу ночорлар қаторига Ғафур Ғуломни қўйиб бўлмасди. Унинг ажойиб таланти ўша пайтлардаёқ ўз ўқувчисини ром қилган эди. Унинг ҳажвий ҳикоялари, «Шум бола», «Нетай» қиссалари қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Бироқ, бундай ёзувчилар бармоқ билан санарли эди. Тақиқланган китобларнинг ҳувиллаб қолган ўрнини Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ойбек асарлари эгаллай бошлади.

Ўзбек ҳикоячилигининг оёққа туришида жуда катта хизмат қилган Абдулла Қаҳҳорни шу ўринда қанча ҳурмат билан тилга олсак ҳам кам.

Устоз ёзувчининг ўттизинчи йиллар бошида ёзган «Қишлоқ ҳукм остида», «Қотилнинг туғилиши» қиссалари китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинган эди. У йигитлик йилларида ёзган бу асарларини «Сайланма» китобига киритмади. Адабиёт ҳақида гап кетганда, у ўзини ҳам аямасди. Бошқа ижодкорларга қандай талаб қўйса, ўзига ҳам шундай талаб қўярди. У ўша асарларига «Болалик машқларим», деб қарарди.

Абдулла Қаҳҳор шогирдларига, «асло хато қила кўрманглар, ёзувчининг битта хатоси уни умр бўйи таъқиб қилади, у ижодий биографиясининг бир четида доғ бўлиб тураверади», деб тайинларди. «Адабиётда конфликтсизлик балоси авж олган пайтларда замонасозлик билан ёзилган ночор, завқсиз, рангсиз «ижод» маҳсули эди. Уни ижодий таржимаи ҳолимдан чиқазиб ташлаёлмай доғдаман. Ҳар гал архивимни титкилаганимда ўша ҳикоя лоп этиб чиқиб қолар ва мени кўп хижолат қиларди», деб афсусланарди.

Абдулла Қаҳҳор сўз устаси, тасвир устаси эди. «Қишлоқ ҳукм остида» қиссасини бир эслаб кўринг. Ёзувчи ёнғин пайтини худди рангли фотосуратга олиб қўйгандек. Ўша саҳифалардан юзингизга аланганинг қайноқ тафти урилиб туради. У ёнғинни шунчаки тасвирлаб қўяқолмайди. Ёнғин баҳонасида қишлоқ одамларида туғилаётган янгича муносабатларни кўрсатади. Қиссани ўқиётганингизда ёнғинни ўчираётган одамларнинг бақириқ-чақириқлари қулоғингизга эшитилиб туради.

Шуни ҳам айтиш кераккки, бу қисса адабиётимизда Абдулла Қодирий бошлаб берган реалистик наср энди шаклланиб, тетапоя бўлаётган пайтда ёзилган. Шу нуқтаи назардан қарасак, Абдулла Қаҳҳорнинг бу қиссасини ўша даврнинг энг яхши асарлари қаторига қўйса бўлади.

Орадан бир йил ўтиб у «Қотилнинг туғилиши»ни эълон қилди. Ёзувчи бу асарларида бошқа ёзувчиларга насиб қилмаган йўлдан юрди. Ўз қаҳрамонининг ички дунёсига назар ташлади...

**(Давоми кейинги сонда)**



*Баҳор даракчиси*

*Javonimiz javohirlari*

# Маънавий қалқон

## у ахборот хуружларига қарши курашда турли иллатлар илдизини фош этишга ёрдам беради

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Адибнинг теран нигоҳ ила битган ушбу сатрларида илгари сурилган фикрлар, наинки бир ҳовуч «пешволар» ўртасида, балки улкан сиёсат майдонида ҳам ўз исботини топаётганини кўриб турибмиз. Буни «Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 24 ноябрь сонида ёритилган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти»да айтилган фикрлар мисолида ҳам талқин қилишимиз мумкин. Бўлмаса, АҚШ Давлат департаментидаги «мутасадди»ларга Ўзбекистондаги диний эркинликлар қай даражада эканлигини «баҳолаш»ни ким қўйибди?! Ваҳоланки, азалдан Ислом маданиятининг бешиги бўлиб келган юртимизга муносиб баҳо бераётган холис (ва айнан шу ишга ҳақдор!) кишилар ҳам бор-ку! Ислом конференцияси ташкилоти (ИТК) таркибидаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинганини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ҳаётда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонликлар ўртасида абадул-абад кураш кетар экан, ахборот асрида у кўпроқ ахборот хуружлари ҳамда унга қарши ҳаққоний кураш жараёнида ҳам кўзга яққол ташланади. Бу эзгу курашда мудом ғолиб бўлишнинг ёркин йўли — аввало ҳар бир масаланинг туб моҳиятини пухта билишга эришмоқ жоиз. Атоқли адиб Ғаффор Ҳотамовнинг «Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари» китоби бугунги кунда муқаддас динимизни ўзларича гоҳ найзага, гоҳо бошқача қуролга айлантиришга чиранаётган айрим кимсаларнинг асл башарасини фош этишга хизмат қилади. Бундай кимсалар эса юртимиз тинчлиги ва осойишталигига путур етказиш учун айни дамда ҳам ахборот хуружларига зўр бераётганлари сир эмас.

Илло, бу китобнинг чоп этилганига уч йил бўлган бўлса, бу орада унинг қадри бир неча марта ортганини эътироф этса арзийди. Негаки, ахборот технологиялари равнақ топган сари у орқали ахборот хуружлари ҳам шунча марта кучаяётганини кўриб турибмиз. Демак, қора қуюн янглиғ бундай хуружларга қарши курашларда «Тарихнинг қонли ва кўзёшли саҳифалари» каби маърифий китоблар ўзига хос маънавий қалқон вазифасини бажаришига шак-шубҳа йўқ.

Ўйлаймизки, ушбу китоб лотин алифбосида ҳам чоп этилиб, барча коллеж ва лицейларда миллий истиқлол ғояларини ўрганаётган талаба ва ўқувчиларга етказилса, айни муддао бўлур эди.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**«Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази Ички сиёсат бўлими бошлиғи,**
**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

**Азал-азалдан инсоният жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиб келади. Бироқ замон ўзгарган сайин жиноятчиликнинг турлари ҳам ўзгариб бормоқда. Адолатли ва жиноятчиликка қарши курашувчи инсонлар жиноятчиликнинг олдини олишга қанчалик уринишмасин, жиноят қилишга мойил кимсалар ҳам ўз кирдикорларини хаспўшлашга шунчалик ҳаракат қилишади. Яъни, бирор-бир турдаги жиноятнинг олдини олиш ёки уни содир этган қонунбузарни аниқлашнинг йўллари топилди, дейлик. Шунинг баробарида жиноятга мойил кимсалар ҳам ўз жиноий қилмишларини яширишнинг янги янги турларини ўйлаб топишади.**

**Хўш, ростни ёлғондан, бегуноҳни гуноҳкордан ажратиб олишнинг қандай илмий йўллари бор?! Бу борада ҳам турли соҳа олимлари азалдан изланишлар олиб боришадики, қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.**

*O`qing, bu qiziq*

# Ҳақиқат ва ёлғон чегараси

## *уни Ибн Сино қандай аниқлаган*

Буни қарангки, бу масала билан ўз даврида тиб илмининг султони, шарқда Абу Али Ибн Сино, ғарбда Авецино номи билан машҳур бўлган буюк юртдошимиз ҳам шуғулланган экан. Қолаверса, Ибн Синонинг рост ва ёлғонни ажратиш ҳақидаги илмий изланишлари ва илгари сурган ғоялари ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улуғ бобокалонимиз инсоннинг жиноятчи ёки жиноятчи эмаслигини аниқлаш ҳақида бир неча усулларни таклиф этганки, дунёнинг турли мамлакатларида ҳамон бу усуллардан фойдаланиб келишади. Ибн Сино томонидан таклиф этилган энг оммалашган ва оддий усул, бу сўроқ жараёнида гумон қилинувчининг томир уришини эшитиб туриб, унинг айбдор ёки айбдор эмаслигини аниқлашдир. Чунки жиноятчиликнинг ҳадисини олган кимсалар билан савол-жавоб мобайнида уларнинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмаслиги мумкин. Лекин кескин ва илмоқли саволлар берилган лаҳзада уларнинг қон босимида ўзгариш бўлиши кузатилади. Бу — исботланган ҳақиқат.

Қадимда ёлғон ва ростни ажратиш учун буюк бобокалонимиз таклиф этган усуллардан ҳам ғаройиброқ йўллардан фойдаланишган. Масалан, Африканинг ғарбида бирор-бир жиноятни содир этганликда айбланаётган кимсанинг қўлига қуш тухумини тутқазиб қўйишган. Маълумки, қуш тухумининг қобиғи жуда нозик бўлади. Салгина кескин ҳаракат туфайли у синиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам сўроқ пайтида айбланувчилар бу тухумни бир-бирларига узатиб туришган. Тухум қай бир айбланувчининг қўлида синиб кетса, ана ўша одам жиноятчи, деб топилган. Бунинг сабаби жуда оддий. Бирор-бир жиноят содир этиб, айбини бўйнига олмай турган одамга унинг жиноятини тасдиқловчи савол берсангиз, у ғайриихтиёрий равишда қўлини мушт қилиб тугади. Тиббиёт тили билан айтганда, инсоннинг асаб тизимига кескин таъсир қилувчи савол ғайритабиий равишда унинг мускуллари таранглашувига олиб келади. Натижа эса маълум...

Қадимги Хитойда эса жиноятчини аниқлашнинг бундан ҳам ғаройиброқ йўлидан фойдаланишган. Масалан, айбдорнинг оғзи қуруқ гуруч доналари билан тўлдирилган. Шундан сўнг унга нисбатан айблов ўқиб эшиттирилган. Гумондорга айблов ўқиб эшиттирилгач, унинг оғзидаги гуруч доналари махсус идишга солиб текшириб кўрилган. Агар гуруч доналари намланиб қолган бўлса, гумон қилинувчи айбсиз, деб топилган. Аксинча, гуруч доналари унинг оғзидан қуруқ ҳолда қайтиб чиқса, айбланувчи жазога тортилган. Рост ва ёлғонни аниқлашнинг ушбу ибтидоий усулини тиббиётчилар қуйидагича изоҳлайди:

Маълумки, ҳар қандай соғлом инсоннинг сўлак безлари узлуксиз равишда ишлаб туради. Агар сиз ўз ҳолингизча оғзингизга қуруқ гуруч доналарини солсангиз, бир неча дақиқада намланиб қолиши тайин. Лекин киши қаттиқ ҳаяжонланган пайтда унинг оғиз бўшлиғи қуруқлашиб қолади. Яъни сўлак безлари фаолияти тўхтайди. Натижада кишининг оғзидаги гуруч доналари намланмайди. Демак, бу текшириш усулида айбдор бўлмаган одам ўзини бемалол тутади ва унинг сўлак безлари ишлаб туради. Айбдор эса ўзи истамаган ҳолда жинояти фош бўлишидан қўрқади. Демак, ҳаяжонланади. Ана шу ҳаяжонланиш унинг оғиз бўшлиғи қуруқлашишига, гуручларнинг намланмаслигига ва жиноят фош бўлишига олиб келади.

Жиноятчилик тарихида айбдорнинг ёлғон ёки рост сўзлаётганини аниқлашнинг энг ибтидоий усули сифатида яна қуйидаги усул қўлланилгани қайд этилган:

Бир ёки бир неча гумон қилинувчи кимсалар бир хонага олиб кириладн. Уларга қўшни қоронғу хонада илоҳий бир ҳайвон борлиги уқтирилади. Сўнг улар навбатма-навбат кириб ана шу ҳайвоннинг думини силаши, агар кимда-ким жиноят содир этмаган бўлса, унинг қўли тоза бўлиши, кимки жиноятга алоқадор бўлса, унинг қўли қорайиб қолиши таъкидланади. Албатта, бу вазиятда жиноят содир этган киши руҳан талвасага тушади ва имкон қадар қоронғу уйдаги ҳайвонга яқинлашмасликка ҳаракат қилади. Шу тариқа жиноятчи ўзини фош этади.

Албатта, бугун, XXI асрда жиноятчиларга нисбатан юқоридаги усулларни қўллаш мумкин эмас. Чунки бугунги жиноятчи қадимги жиноятчиларга нисбатан минг карра устомонроқ. Шу боис ҳам уни "қўли қорайиб қолиши" билан қўрқитиб бўлмайди. Лекин тан олиб айтиш керак, бугун ҳам жиноят содир этилмоқда. Уни фош этишнинг янги-янги усуллари ўйлаб топилмоқда. Шу билан бирга ҳамон бегуноҳ одамларнинг айбсиз айбдорга айланиб қолиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда.

Хўш, бундай ноқонуний жазога тортилишнинг олдини олиш имкони борми?

Бу саволга дунё олимлари бир овоздан «ҳа», деб жавоб беришади. Хўш, шундай экан, бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

Бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино таклиф этган усулни XIX асрнинг охирига келиб Италия фуқароси Чезаре Ломброза қонуний йўлга қўйди. У инсон қон босимини ўлчовчи тиббий восита орқали айбланувчининг сўроқ жараёнидаги ҳолатини кузатади. Натижа ёмон бўлмади. Шунингдек, италиялик олим сўроқ қилинувчининг нафас олиши орқали ҳам унинг жиноятга қўл урган ёки урмаганини аниқлаш ғоясини ўртага ташлади. Ломброза томонидан ихтиро қилинган техник восита бир пайтнинг ўзида гумонланувчининг қон босими, нафас олиш тартиби ва унинг терисида рўй берадиган кутилмаган ўзгаришларни қайд этиб бориш имкониятига эга эди. Бундай усул орқали жиноятчини аниқлаш мумкинлигини илк бора XX асрнинг бошларида АҚШнинг Калифорния штати полиция департаменти тан олди ва қонунан йўлга қўйди. Шундан сўнг дунёнинг турли мамлакатларида "ёлғонни фош этувчи машина" ("Детектор лжи")дан фойдаланиш оммавий тус олди. Ҳатто АҚШда бу жуда катта бизнесга айланиб кетди. Фақатгина собиқ шўролар мамлакати бу илмий йўлни рад қилди ва жиноятчиликни фош қилишда бундай илмий-техник воситалардан фойдаланишни тақиқлаб қўйди. 1993 йилга келибгина Россия бош прокуратураси ва адлия вазирлиги ўз ходимларига айрим ҳолатларда ушбу илмий-техник воситалардан фойдаланишга расман рухсат берди.

Албатта, италиялик олим Черезе Ломброза томонидан яратилган "ёлғонни фош этувчи машина"нинг иш "фаолият"и йиллар давомида ўзгариб, мукаммаллашиб борди. Лекин ҳамон жиноятчиликни фош этувчи ушбу воситага нисбатан турли қарашлар мавжуд. Чунки бундан бир неча йил муқаддам бу "машина" 100 дан 74,6 ҳолатда аниқ "кўрсатма" беради, деб ҳисоблашарди. Лекин кейинги йилларда ўтказилган такрор-такрор текширувлар юқоридаги рақам тўғри эмаслигини кўрсатди. Чунки бу соҳа билан шуғулланаётган дунё олимлари ушбу "машина" 100 дан фақатгина 53,3 ҳолатдагина "рост гапириши" мумкинлигини исботлаб беришди. Шундай экан, "ёлғонни фош этувчи машина"нинг ўзи ҳам айрим пайтларда нотўғри "кўрсатма" бериб қўйиши мумкин. Демак, бу "машина"га ҳам юз фоиз ишонч йўқ.

Айни кунларда дунёнинг яна бир гуруҳ олимлари гумон қилинаётган кимсанинг овозини эшитиб унинг жиноятчи ёки жиноятчи эмаслигини аниқловчи воситанинг афзалликлари ҳақида гапирмоқдалар. Инсон "овозининг компьютер таҳлили", деб юритилувчи ушбу восита ҳам сўроқ жараёнида ишлатилади. Бу усулда айбланувчи терговчига қараб эмас, балки олдида турган микрафонга қараб жавоб беради. Микрафон уланган компьютер эса унинг овозини таҳлил қилиб боради. Айнан жиноятга оид саволлар берилган пайтда жиноятчининг овозидаги озгина ўзгаришни ҳам аниқ қайд этади. Олимларнинг фикрича, бу усул орқали 100 дан 98 ҳолатда аниқ хулосага келиш мумкин...

Биз нима ҳам дердик. Шарқона айтганда, аввало, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин...

**Интернет материаллари асосида**
**И. ҲАМРОЕВ**
**тайёрлади**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-216. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65, 133-84-50
inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5